

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАЖИТОВ МАХМУД АБДИМУМИН ЎҒЛИ

**ПОСТМОДЕРН ЖАМИЯТДА ИНСОН ШАХСИ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ
МУАММОЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Мажитов Махмуд Абдимўмин ўғли

Постмодерн жамиятда инсон шахси трансформациясининг
ижтимоий-фалсафий муаммолари..... 3

Мажитов Махмуд Абдимумин оглы

Социально-философские проблемы трансформации личности
человека в постмодернистском обществе..... 23

Majitov Makhmud Abdimumin ogli

Social-philosophical problems of person's transformation in postmodern
society 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 47

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАЖИТОВ МАХМУД АБДИМУМИН ЎҒЛИ

ПОСТМОДЕРН ЖАМИЯТДА ИНСОН ШАХСИ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ
МУАММОЛАРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Fal133 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Чориев Санжарбек Анварович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Яздонов Улуғбек Тошмуротович
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Назаров Қиёмиддин Нормирзаевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____соат __даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш.Негматова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа ф.б. фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Р.Самадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда XX асрнинг охириги чораги ва XXI аср бошларида юз берган ижтимоий-иқтисодий, индустриал-технологик, ижтимоий-маданий ўзгаришлар кишилик жамиятини постмодерн ҳолатига ўтказмоқда. Постмодерн жамиятга хос бўлган тараққиёт тенденциялари нафақат замонавий социум табиатининг ўзгаришига, балки шахс ижтимоий моҳияти трансформациясига сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан “постмодерн жамият-шахс” диалектикасининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш ва бу алоқадорлик натижасида шахс ижтимоий моҳиятида юзага келаётган салбий ҳолатларни олдини олиш ва бартараф этиш масаласи долзарб ижтимоий-фалсафий муаммога айланмоқда.

Жаҳон илм-фанида постмодерн жамият ғоявий асослари, улар негизида шаклланган иқтисодиёт, давлат ва сиёсий ҳаёт, ижтимоий соҳа, маънавият ва маданият таъсирида содир бўлаётган инсон шахси трансформацияси турли назарий позициялардан муфассал тадқиқ қилинмоқда. Зеро, бугунги глобаллашув жараёнида постмодерн жамият тенденцияларининг инсон шахсига таъсири тобора ошиб бораётгани шахс ижтимоий моҳиятига доир фалсафий таълимотларни муттасил такомиллаштирмоқда. Тадқиқотлар интиҳоси ўлароқ “постмодерн жамият-шахс” алоқадорлигига доир турли концептуал талқинлар тақдим этилмоқдаки, инсон шахсидаги трансформацион жараёнларга хос қонуниятларни аниқлаш учун ушбу концепцияларни ҳам махсус тадқиқот доирасида ўрганиш зарурияти юзага келмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ислохотлар самарасининг инсонга, унинг дунёқараши, маънавий қиёфасига боғлиқлиги тобора кўпроқ аён бўлиб бормоқда. “Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради”¹. Ваҳоланки, инсон шахсини жамият манфаатлари, ижтимоий тараққиёт талабларига монанд равишда камол топтириш учун энг аввало постмодерн жамият ва инсон шахси ўртасидаги диалектик алоқадорликни, Ўзбекистонда замонавий социум тенденциялари таъсирида инсон шахсида юз бераётган ўзгаришларни ҳар томонлама илмий тадқиқ қилиш зарур бўлади. Бинобарин, постмодерн жамиятда инсон шахси трансформациясига доир ижтимоий-фалсафий муаммолар умумижтимоий аҳамиятга молик масалага айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” Қарори, шунингдек, 2019 йил 8 апрелдаги Ф-5465-сон “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Ж. 3.- Т.:Ўзбекистон, 2019.- Б.39.

чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон Қарори билан қабул қилинган “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсон шахсининг ижтимоий моҳияти, шаклланиши қонуниятлари, жамият ва шахс ўртасидаги алоқадорлик муаммолари ижтимоий фалсафанинг мудом ўрганиб келинган масалалари туркумига киради. Шу боис мавзуга доир адабиётларни турли даврларда ижод қилган кўплаб Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари илмий меросидан топиш мумкин. Лекин XX асрда инсон шахси трансформациясига олиб келувчи тенденция ва омилларнинг кўпайиб кетиши файласуфлар, социологлар, психологлар, педагогларнинг мавзуга эътиборини кучайтириб юборди. Шу муносабат билан муаммога доир юзлаб монографиялар, китоблар, мақолалар илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинди. Хусусан, хорижда нашр этилган У.Жеймс, Ж.Маритен, К.Ясперс, Г.Марсел, Ж.Сартр, З.Фрейд, А.Адлер, К.Юнг¹ ва бошқаларнинг илмий ишларида нафақат инсон шахсининг ижтимоий моҳияти ва таркибий қисмлари, балки унинг шаклланиши қонуниятлари, ҳаётининг мазмуни ҳам таҳлил қилиб берилди.

Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, кишилиқ жамиятининг постмодерн ҳолатига ўта бошлаши “постмодерн жамият-шахс” диалектикасига бағишланган кўплаб илмий ишларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Жумладан, Д.Белл, Ж.Лиотар, Ж.Бодрийяр, Ф.Джеймисон², З.Бауман, Э.Гидденс ва бошқа муаллифлар янги типдаги жамиятда шахс интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари қудратли трансформацион жараёнларни бошидан кечираётганини исботлаб бердилар.

МДҲ мамлакатларида ҳам инсон шахсининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ илмий муаммолар мунтазам тадқиқ қилиб келинади. Кейинги йилларда бу мамлакатларда қатор эътиборга лойиқ илмий изланишлар амалга оширилди. Хусусан, А.Ахмедьянова, Л.Кашапова, С.Комиссаренко³, Н.Сабилова, Т.Романова каби муаллифларнинг илмий ишларида шахс таркиби таркибий-функционал таҳлил қилинади, унинг шаклланиши

¹Қаранг: Юнг К. Аналитическая психология.- М.: Клуб Касталия, 2016.

²Қаранг: Джеймисон Ф. Постмодернизм, или культурная логика позднего капитализма.- М.: Изд-во Института Гайдара, 2019.

³Қаранг: Комиссаренко С. Формирование личности. Концепции, институты, технологии.- М.: Петрополис, 2013.

детерминантлари, камол топишига хизмат қиладиган институтларга доир қимматли мулоҳазалар билдирилади.

Мамлакатимизда ҳам инсон шахсининг ижтимоий моҳияти, шаклланиши қонуниятларига доир талай фалсафий мулоҳазалар илгари сурилган. Бу мулоҳазалар турли муносабатлар билан, турфа масалалар контекстида баён этилади. Шу билан бир қаторда шахс, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар махсус тадқиқ этилган илмий ишлар ҳам мавжуд. Масалан, М.Арипова, И.Атамирзаев, Н.Комилов, Қ.Назаров, И.Суванов, Н.Умарова, И.Шарипов, Н.Шермухаммедова, А.Чориев¹, С.Чориевларнинг илмий ишларида инсон шахсининг мазмуни, таркиби ва типлари очиб берилади, баркамол инсон шахсини шакллантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

Лекин шахс ижтимоий моҳиятига доир фалсафий таълимотлар муттасил такомиллашиб бораётгани, постмодерн жамият тенденцияларининг инсон шахсига таъсири тобора ёрқинроқ намоён бўлаётгани муаммони чуқурроқ тадқиқ қилишни тақозо этмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Термиз давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АТ-03-сон “Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида маънавий маданият юксалишининг хусусиятлари” (2016-2021) мавзусидаги амалий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади постмодерн жамиятда инсон шахсида содир бўлган трансформацион жараёнларнинг салбий жиҳатларини камайтириш йўллари аниқлаш ва уларни олдини олиш бўйича конструктив таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инсон шахсини таркибий таҳлил қилиш орқали унинг ижтимоий моҳиятини белгиловчи компонентларни аниқлаш;

шахс ижтимоий моҳиятини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи детерминантлар моҳиятини очиб бериш;

постмодерн жамиятнинг ғоявий асослари ва ривожланиш тенденцияларини ифодалаш;

постмодерн жамият тенденциялари таъсирида шахс ижтимоий моҳиятида юз берган трансформацион жараёнларнинг оқибатларини асослаш;

постмодерн жамият тенденцияларининг шахс ижтимоий моҳиятига салбий таъсирини камайтириш йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти постмодерн жамият ва шахс ўртасидаги диалектик ўзаро алоқадорлик жараёни билан боғлиқ.

Тадқиқотнинг предмети постмодерн жамиятда инсон шахси ижтимоий моҳиятида юз бераётган трансформацион жараёнларни илмий асослаш билан белгиланади.

¹ Қаранг: Чориев А. Инсон фалсафаси. Мустақил шахс. Иккинчи китоб.- Т.: Чинор, 2002.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, умумлаштириш, таққослаш каби мантиқий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шахс ижтимоий моҳиятини белгиловчи таркибий компонентлар (ҳаётий мақсад, билим, ижтимоий роль, амал қилинадиган принциплар) ва уларни ривожлантирувчи детерминантлари (ижтимоий муҳит, таълим ва тарбия, миллий ғоя, ўз-ўзини тарбиялаш жараёни)ни барқарорлаштиришда жамият имманент белгилари (дунёқараши, эътиқоди, урф одати ва ҳ.к.)ни ҳисобга олиш зарурлиги илмий аргументлар асосида далилланган;

постиктисодиётнинг қарор топиши, ижтимоий-демографик таркибнинг янгиланиши, ахлоқий нормалар плюралиزمи, маънавий маданият маҳсулларининг истеъмол маҳсулотларига айланиши каби постмодерн жамиятига хос тенденцияларнинг Ўзбекистон шароитида шахс маънавий қиёфасига таъсирини камайтириш учун ижтимоий фанларни ўқитиш, узлуксиз маънавий тарбия каби субъектив детерминантларни оптималлаштириш зарурлиги мантиқан исботланган;

антропогенез ва социогенез жараёнининг ўзаро алоқадорлиги замонавий социумда “постмодерн жамият-шахс” диалектикаси шаклида намоён бўлаётгани постмодерн ҳолатига доир билим табиатининг ўзгариши, истеъмол жараёни мантиғи, олий замонавийлик даври, менталликнинг муайян ҳолати каби концептуал талқинлар негизида фалсафий жиҳатдан асосланган;

постмодерн жамият тенденциялари таъсирида шахс ижтимоий моҳиятида содир бўлган ҳаётий мақсад трансформацияси, тафаккур фрагментарлашуви, қадрият ва эҳтиёжлар деформацияси, ижтимоий роллар янгиланиши, ҳаётий принциплар ўзгариши билан боғлиқ трансформацион жараёнларнинг оқибатлари фалсафанинг сабаб ва оқибат, шакл ва мазмун категориялари диалектикаси асосида очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

диссертацияда шахс ижтимоий моҳиятини белгиловчи таркибий компонентлар ва уларни ривожлантирувчи детерминантлар аниқлаб берилган бўлиб, бу натижалар таълим ва тарбия муассасаларида инсон шахсини камол топтиришга қаратилган ишлар самарадорлигини оширишда назарий-методологик асос вазифасини ўтаган;

илмий ишда постмодерн жамият тенденциялари таъсирида шахс ижтимоий моҳиятида содир бўлган трансформацион жараёнларнинг оқибатлари очиб берилган бўлиб, бу натижалар муаммога доир маънавий-маърифий тадбирларни йўлга қўйишда қўл келган;

тадқиқотнинг асосий амалий натижаси постмодерн жамият тенденцияларининг шахс ижтимоий моҳиятига таъсирини камайтиришга хизмат қиладиган субъектив детерминантларини (ижтимоий фанларни ўқитиш,

узлуксиз маънавий тарбия) оптималлаштириш йўллари ишлаб чиқилгани билан боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация натижаларининг ишончлилиги инсон шахсининг шаклланишига доир илмий жамоатчилик томонидан маъқулланган ғоя ва таълимотларга асослангани, “постмодерн жамият-шахс” диалектикасига оид янги концептуал талқинларга таянилгани, илмий изланишларда объективлик ва системавийлик принципларига амал қилингани, тадқиқот натижалари манфаатдор ташкилотларнинг амалий фаолиятида апробациядан ўтказилгани, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги тўғрисида тегишли ташкилотлардан тегишли хулосалар олингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, инсон шахсининг шаклланиши ва ривожланишига доир илмий тасаввурлар ҳамда фалсафий таълимотларни янги ғоялар, аргументлар билан бойитишга, инсон шахсини камол топтириш, уни постмодерн жамият тенденцияларининг салбий таъсиридан ҳимоялашга қаратилган илмий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, диссертацияда илгари сурилган ғоялар, назарий хулоса ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари Агентлиги, оммавий ахборот воситалари, миллий-маданий марказлар, таълим-тарбия даргоҳлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятида, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанлардан ўтиладиган назарий ва амалий машғулотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Постмодерн жамият-шахс” диалектикаси билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилиш борасида олинган илмий натижалар асосида:

постмодерн жамият тенденцияларининг шахс ижтимоий моҳиятига таъсирини камайтириш учун унинг субъектив детерминантларини (ижтимоий фанларни ўқитиш, узлуксиз маънавий тарбия) оптималлаштиришга оид назарий мулоҳазалари ва амалий таклиф-тавсияларидан Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонунининг 8-модда (олтинчи хатбоши), 21-модда (иккинчи, учинчи хатбошилари)ларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари Қўмитасининг 2020 йил 13 августдаги 04/5-12-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур қонундаги 8-модда (олтинчи хатбоши), 21-модда (иккинчи, учинчи хатбошилари)ларини янада мазмунан такомиллаштиришга хизмат қилган;

шахс ижтимоий моҳиятини белгиловчи таркибий компонентлар (ҳаётий мақсад, билим, ижтимоий роль, амал қилинадиган принциплар) ва уларни ривожлантирувчи детерминантлар (ижтимоий муҳит, таълим ва тарбия, миллий ғоя, ўз-ўзини тарбиялаш жараёни) моҳиятига реал воқелик таҳлили ва илмий аргументлар асосида аниқлик киритилганига оид назарий хулосалардан Сурхондарё вилоятидаги “Барқарор ҳаёт” ижтимоий-маърифат марказининг “Огоҳлик муваффақият гарови” мавзусидаги 04/06-19-Т рақамли амалий грант лойиҳаси ижросини таъминлашда фойдаланилган (Сурхондарё вилояти “Барқарор ҳаёт” ижтимоий-маърифат марказининг 2020 йил 29 июлдаги 62-сон маълумотномаси). Натижада, грант лойиҳасининг инсон шахсини камол топтиришга қаратилган тадбирлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

антропогенез ва социогенез жараёнининг ўзаро алоқадорлиги замонавий социумда “постмодерн жамият-шахс” диалектикаси шаклида намоён бўлаётганини постмодерн ҳолатига доир янги концептуал талқинларига оид таклиф ва тавсияларидан “Огоҳлик муваффақият гарови” мавзусидаги 04/06-19-Т рақамли амалий грант лойиҳа доирасида нашр этилган “Огоҳлик ва соғлом талқин – фаровонлик гарови” номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Сурхондарё вилояти “Барқарор ҳаёт” ижтимоий-маърифат марказининг 2020 йил 29 июлдаги 62-сон маълумотномаси). Натижада, нашр этилган қўлланманинг “Экстремизм, терроризм ва фундаментализм”, “Виртуал олам ва диний экстремизм таҳдиди”, “Ёшларнинг маънавий-маърифий тарбиясини шакллантиришда оила, миллий анъаналар ва кадриятларнинг ўрни” мавзуларини мазмунан бойишига хизмат қилган;

постмодерн жамият тенденциялари таъсирида шахс ижтимоий моҳиятида содир бўлган трансформацион жараёнларнинг оқибатлари (ҳаётий мақсад трансформацияси, тафаккур фрагментарлашуви, кадрият ва эҳтиёжлар деформацияси, ижтимоий роллар янгиланиши, ҳаётий принциплар ўзгариши)га оид таклиф-тавсияларидан Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси томонидан эфирга узатилган 2014 йил 14 февралдаги “Огоҳлик давр талаби” ва 2019 йил 8 августдаги “Муносабат” телекўрсатувларининг дастур сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Сурхондарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 4 августдаги 01-01/155-сон маълумотномаси). Натижада, томошабинларнинг постмодерн жамият тенденцияларининг шахсга салбий таъсирларига доир янги илмий маълумотлар билан танишиши, билимларининг ошиши ва уларда мафкуравий иммунитет шаклланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 3 та халқаро ва 19 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан 1 та монография, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та (4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) мақола чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўй-хатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Шахс муаммоларини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган бўлиб, унда “шахс” тушунчаси таркибий-функционал таҳлил қилинади, унинг ривожланиши детерминантлари очиб берилади.

Фалсафа тарихида шахс табиатини тадқиқ қилишга доир кўплаб назарий ёндашувлар ҳукм сурган. Уларнинг бирида инсон шахсининг бир жиҳатига эътибор берилган бўлса, бошқасида мутлақо ўзга атрибутларга диққат қаратилади. Бироқ бундан фалсафий таълимотларнинг бир туркуми инсон шахсини тадқиқ қилишда тўғри назарий-методологик позицияда бўлган, бошқаси эса янглиш ғояларни илгари сурган, деган хулоса келиб чиқмайди. Шахс ҳақида илгари сурилган ғояларнинг кўплиги унинг кўпқирралилигидан, кўпжиҳатлилигидан далолат беради.

Ҳозирги замон мутахассислари инсонни ўзига хос феномен сифатида характерлаш учун “индивид”, “индивидуаллик”, “шахс” тушунчаларидан фойдаланмоқда. Мазкур тушунчалар занжири инсон билан жамият орасидаги ўзаро алоқаларни таҳлил этиш имкониятини вужудга келтиради. Индивид одам зотига мансуб ҳар қандай вакилни белгилайди, бироқ кишилар орасидаги тафовут, инсоннинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунча бермайди. Инсондаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хислатлар йиғиндисини ифодалаш учун “индивидуаллик” тушунчаси қўлланилади.

Инсон фаолиятининг ўзига хос яна бир таркиби мавжудки, унинг таъсири ва паноҳида инсон индивидуаллиги ўз тақомилига этади. Бу таркиб “шахс” тушунчаси орқали ифодаланади. Шахс – ижтимоий аҳамиятга эга ҳодисаларнинг индивидуал ифодаси, ижтимоий аҳамиятга молик хусусиятлар комбинацияси, инсон ижтимоийлиги шаклидир. Мазкур тушунча, бир томондан, инсон ижтимоий, маънавий, маданий ривожининг даражасини акс эттирса, иккинчи томондан, унинг ихтиёрини, ўзига хослигини англатади.

Турли фалсафий-методологик йўналишга мансуб тадқиқотчиларнинг мулоҳазалари инсон шахсининг қуйидагилардан таркиб топишини аниқлаш имконини беради:

муайян ҳаётий мақсаднинг мавжудлиги. Инсоннинг шахс сифатида шаклланганлигини кўрсатувчи асосий мезонлардан бири унинг ҳаётининг мазмундорлигидир. Ҳаётнинг мазмундорлиги инсоннинг энг олий кадриятларидан бири саналади. Умрнинг маълум бир мақсадга йўналтирилишигина унга маъни, мазмун бахш этади. Лекин ҳар қандай мақсад ҳам шахс ҳаётига мазмун бахш этавермайди. Шахсни бутун умри мобайнида фаолиятга ундайдиган, билим, малака ва кўникмалари характерини белгилайдиган, маълум бир ижтимоий ролни бажаришга ундайдиган вазифагина ҳаётий мақсадга айланиши мумкин. Ҳаётий мақсадлар орасида халқ, жамият манфаатлари билан йўғрилгани алоҳида аҳамиятга молик;

ҳаётий мақсадга эришиш имконини берадиган билим, малака ва кўникмаларнинг шаклланганлиги. Мақсаднинг шунчаки мавжудлиги инсон шахсининг шаклланганлигидан далолат бермайди, албатта. Декларатив характерга эга бўлган мақсаднинг оддий орзудан фарқи қолмайди. Инсон ўз олдига қўйган мақсадига мудом интиломоғи лозим – бунинг учун эса энг аввало унга эришишда қўл келадиган билим, малака ва кўникмалар шакллантириломоғи даркор. Ана шундай билим ва малакаларни ўзида мужассамлаштирган инсоннигина шахс сифатида эътироф этиш мумкин. Мақсадга етиш илинжида эгалланган, инсон томонидан қайта кашф этилган, мазмуни муфассал тушуниб олинган, англаб етилган ва амалиётда қўлланила бошланган билим ва малака охир-оқибатда эътиқодга айланади;

инсон хулқ-атвори ва фаолиятини аниқ мақсадга бўйсундирувчи ижтимоий ролнинг бажарилиши. Ижтимоий роль – шахснинг ўз ҳаётий позициясига мувофиқ равишда амалга оширган ҳатти-ҳаракатларининг, хулқ-атвори ва фаолиятининг моделидир. Инсон ўз умри давомида турли ижтимоий гуруҳлар аъзоси сифатида фаолият кўрсатгани боис бир вақтда бир неча ижтимоий ролни бажаришга мажбур бўлади. Бу роллар унинг ижтимоий мақоми, касб-кори ёки фаолият турига боғлиқ бўлиши мумкин;

шахс мустақиллигини таъминловчи принципларнинг мавжудлиги. Инсон ўз олдига қўйган мақсадга эришиши учун хулқ-атвори ва фаолиятини унга йўналтириши, маълум бир ижтимоий ролни шунчаки бажариши кифоя эмас. Бунинг учун у ўз хулқи ва фаолиятига йўналганлик ато этувчи муайян принципларга ҳам эга бўлиши ва амал қилиши зарур. Ана шундай принципларга эга бўлган кишини мустақил шахс сифатида баҳолаш мумкин.

Инсон шахси таркибидан жой олган элементларнинг шаклланганлиги ҳолатини кўрсатувчи муҳим ўлчов ижтимоий фазилатдир. У шахс ҳаётий мақсади салмоғи ва характерини аниқлаш, билим, малака ва кўникмалари сифати ва савиясини баҳолаш, ижтимоий ролларининг бажарилиши самарасини белгилаш, мустақиллиги меъёрини билиш имконини беради.

Инсон шахси таркибидан жой олган элементлар унинг бутун умри давомида шаклланиб ва такомиллашиб боради. Файласуфлар, психологлар, педагоглар шахс шаклланиши ва ривожланиши жараёнини детерминизм принципи позициясидан тадқиқ қилиб, унга таъсир кўрсатадиган турли детерминантларни тилга оладилар. Чунончи, инсон шахси шаклланишининг муҳим детерминантлари объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар билан боғлиқ, лекин уларнинг шахсга таъсири яхлит жараёндир.

Инсон шахсининг шаклланиши жараёнига энг салмоқли таъсир кўрсатадиган объектив шарт-шароит вазифасини ижтимоий муҳит ўтайди. У шахс онги ва фаолиятига бевосита ва билвосита таъсир ўтказади. Бир томондан, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг ўзи (макромуҳит) шахсни шакллантирувчи қудратли шарт-шароитдир. Чунки инсон жамиятда яшар экан, унда қабул қилинган қадриятлар, фаолият нормаларини турли каналлар орқали ўзлаштиради ва уларга мос равишда фаолият кўрсатишга одатланади. Иккинчи томондан, ижтимоий муҳит шахс истиқомат қилаётган манзилдаги, маҳалладаги, оиладаги, у меҳнат қилаётган жамоадаги, у одатда ташриф буюрадиган муассасалардаги вазиятга (микромуҳит) таъсир ўтказади, бу вазият эса, ўз навбатида, шахс онги ва фаолиятини шакллантиради.

Инсон шахсининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи субъектив омиллар туркумига бир мақсадга йўналтирилган таълим ва тарбия, миллий ғоя, ўз-ўзини тарбиялаш жараёни киради. Таълим давомида шахснинг асосий ақлий ва жисмоний имкониятлари ривожланса, мақсадга мувофиқ тарбия инсон эътиқоди, ижтимоий фазилатлари, ҳаётий мақсадлари, оқилона эҳтиёж ва манфаатларини қарор топтиради. Миллий ғоя шахс таркибидан жой олган элементларга миллий руҳ ато қилади, уни ижтимоий воқеаларга миллий манфаатлар нуқтаи назаридан ёндашишга одатлантиради. Ўз-ўзини тарбиялаш эса инсон шахсини такомиллаштиришнинг энг аҳамиятли йўлларидан бири ҳисобланади.

Биринчи боб интиҳосида қуйидаги хулосалар қилинган:

1. Шахс ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ходисаларнинг индивидуал ифодасини, ижтимоий аҳамиятга молик хусусиятлар комбинациясини, инсон ижтимоийлигининг шаклини ифодалайдиган тушунчадир.

2. Шахс таркиби қуйидаги асосий элементларни ўзида мужассам қилади: а) муайян ҳаётий мақсаднинг мавжудлиги; б) унга эришиш имконини берадиган билим, малака ва кўникмаларнинг шаклланганлиги; в) хулқ-атвори ва фаолиятини аниқ мақсадга бўйсундирувчи ижтимоий ролларнинг бажарилиши; г) шахс мустақиллигини таъминловчи принципларнинг мавжудлиги.

3. Шахс таркибидан жой олган элементларнинг шаклланганлиги даражаси унинг фазилатларининг намоён бўлишига қараб белгиланади.

4. Шахси шаклланишининг икки асосий детерминанти мавжуд: а) объектив шарт-шароитлар (ижтимоий муҳит); б) субъектив омиллар (бир мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия, миллий ғоя, ўз-ўзини тарбиялаш жараёни).

Диссертациянинг иккинчи боби “**Постмодерн жамиятда шахс трансформацияси**” деб номланган бўлиб, унда постмодерн жамият манзараси, хусусиятлари ва тенденциялари, улар таъсирида содир бўлган шахс ижтимоий моҳияти трансформациясининг асосий жиҳатлари аниқланади.

Ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган ижтимоий-иқтисодий, индустриал-технологик, ижтимоий-маданий ўзгаришлар кишилик жамияти ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганидан далолат берди. Тадқиқотчилар бу босқичга хос хусусият ва тенденцияларини ифодалаш учун “постмодерн жамият” тушунчасидан фойдаланмоқда.

Постмодерн жамият – кишилик жамияти тараққиётининг XX аср 70-йилларидан кейинги даврини, мазкур даврга хос бўлган хусусиятлар, жараёнлар, тенденцияларни ифодаловчи тушунчадир. Постмодерн жамиятнинг концептуал талқинлари талайгина. Уларнинг муаллифлари нафақат постмодерн жамиятнинг моҳиятини очиб беришга, унинг асосий хусусиятларини аниқлашга, балки бу хусусиятларни ўзгартираётган ички ва ташқи сабабларни топишга ҳам интиладилар. Масалан, Ж.Лиотар илк бор кишилик жамияти постмодерн ҳолатига қадам қўя бошлагани констатация қилади. Ж.Бодрийяр унинг энг муҳим хусусияти бўлган истеъмол жараёни мантиғига эътиборни қаратади. Ф.Жеймисон постмодерн жамиятни замонавий капитализмдаги маданиятнинг ҳолатини ифодаловчи тушунча сифатида ишлатади. З.Бауман уни менталликнинг, яъни кишилар тафаккур тарзи, ақлий имкониятлари ва маънавий қиёфасининг муайян ҳолати билан қиёслайди. Э.Гидденс ўтган аср интиҳосига келиб постмодерн жамият ўзининг янги босқичига қадам қўйганини эътироф этади ва уни “олий замонавийлик даври” деб атайди.

Мазкур концептуал талқинлар таҳлиliga қўра, постмодерн жамиятнинг ғоявий асослари қуйидагилардан иборат: а) модерн жамият кадриятларининг (ёруғ келажакка йўналтирилган тараққиётнинг мунтазамлиги, фан ва техника прогресси, иқтисодий ўсиш) инкор қилиниши; б) тарих маъноси ва ижобий мазмунининг тан олинмаслиги, тараққиёт ижтимоий-иқтисодий имкониятларининг инкор этилиши, борлиқ ва ҳақиқат деонтологизацияси; в) билишда номинализм тамойилининг мутлақлаштирилиши, тушунча ва тушунчалар тизими мазмунининг тан олинмаслиги; г) ахлоқий чекловларнинг йўқолиши, ахлоқсиз иқтисодий амалиётларга йўл очилиши; д) реалликни эмас, предметдан айри тушган белгиларнинг воқе деб билиниши¹.

Модерн ижтимоий системалардан мутлақо фарқланувчи ғоявий асослар негизида шаклланган постмодерн жамиятда социумнинг иқтисодий тузилиши, давлат ва сиёсий ҳаёт, ижтимоий соҳа, маънавият ва маданият тубдан ўзгарди. Жумладан, янги жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий эволюция постиктисодиётнинг қарор топишига олиб келди. Бу ҳол иқтисодиётнинг миллий давлатлар суверенитетидан эмансипацияси содир бўлишида, жаҳон мамла-

¹Қаранг: Румянцев М. Экономика общества Постмодерна: критический анализ // Христианское чтение, 2012, № 6. - 167-с.

катларида ўз бизнесини кенгайтириш ва молиявий зарарларини қоплаш учун давлат ресурсларидан фойдаланишга интилаётган иқтисодий субъектларнинг кўпайишида, иқтисодиётнинг спекулятив модели илдиз отишида, унинг таркибида турли хизматларнинг улушининг кескин кўпайишида, рақамли иқтисодиётнинг шаклланишида намоён бўлди.

Постиктисодиётнинг қарор топиши қонуний равишда жамият сиёсий тизими, ижтимоий соҳаси, маънавий борлигининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлди. Сиёсий соҳада давлат институти эволюцияси юз берди, унга муқобил вазифасини ўтайдиган уюшмалар (корпорация-давлатлар) шаклланди, давлат функцияларини бажарувчи минтақавий бирлашмалар пайдо бўлди. Ижтимоий соҳада миллат ва элатлар табиатининг кескин ўзгариши, жамият ижтимоий-демографик таркибининг янгилиниши, турмуш тарзини ўзгача тус олиши, ҳаёт сифати ҳақидаги тасаввурларнинг ўзгариши кўзга ташланди. Маънавий соҳада қатор янги тенденциялар (илм-фаннинг ишлаб чиқариш жараёни марказий иштирокчисига айланиши, ахборот технологиялари ривож, ахборот олиш, сақлаш ва узатиш имкониятларининг кенгайиши натижасида ахлоқий нормалар плюрализмининг вужудга келиши, миллий қадриятларнинг хираланиши, деидеологизация ва реидеологизация жараёнлари, маънавий маданият маҳсулларининг истеъмол маҳсулотларига айланиши) рўй берди.

Постмодерн жамиятга хос мазкур хусусият, жараён ва тенденциялар шахс ижтимоий моҳияти трансформациясига олиб келди. Диссертацияда шахс трансформацияси – унинг ижтимоий моҳиятини таркиб топтирувчи элементларнинг ўзгариши жараёни сифатида талқин этилган. Унинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: Биринчидан, инсон шахсидаги трансформацион жараёнлар турли объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг системавий ва узлуксиз таъсири натижасида содир бўлади. Ўзгаришлар шахс системасидаги бир эмас, барча элементларни қамраб олади. Иккинчидан, трансформацион жараёнлар миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришига олиб келиши қонунига мувофиқ содир бўлади. Шахснинг ўз ҳаётий мақсади ҳақидаги тасаввурлари, унга эришиш имконини берадиган билим ва малакалари, турли ижтимоий ролларни бажаришга қаратилган саъй-ҳаракатлари муайян меъёр миқёсида миқдоран ўзгара боради, ундан ўтгач, шахс ижтимоий моҳиятида сифатий ўзгаришлар содир бўлади.

Учинчидан, инсон шахсидаги трансформацион жараёнларда қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши жараёни ёрқин намоён бўлади. Шахс ижтимоий моҳияти ўзаро қарама-қарши бўлган турли хосса ва хусусиятлардан таркиб топади. Маълум хосса трансформацияси ўз навбатида унга қарама-қарши бўлган хусусиятнинг ҳам ўзгаришига сабаб бўлади. Тўртинчидан, шахс ижтимоий моҳияти трансформацияси инкорни инкор жараёни (тезис-анти-тезис-синтез) тарзида содир бўлади. Антитезис босқичида тезисга хос ижтимоий моҳиятга мутлақо қарама-қарши моҳият юзага келади, синтез босқичи эса ҳар иккала босқичдаги моҳиятларнинг энг аҳамиятли жиҳатларини ўзида жамлайди. Бешинчидан, инсон шахсининг трансформацияси жараёнида бу-

тун ва бўлак, шакл ва мазмун, сабаб ва оқибат, тасодифийлик ва зарурият, имконият ва воқелик диалектикаси ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Постмодерн жамият шароитида шахс ижтимоий моҳиятида содир бўлган ўзгаришлар нуқул салбий характерга эга эмас. Ижтимоий жараёнлар шахснинг фан ва техника ютуқлари ҳақидаги билим ва тасаввурларини, илм-фан ютуқлари ҳамда инновацияларни зудлик билан ўзлаштириш қобилиятини ривожлантирди, унинг турли миллий ва умуминсоний қадриятлар, ўзга халқларнинг турмуш тарзи ва фаолият нормалари ҳақидаги тасаввурларини бойитди, демократия ва ижтимоий адолатга оид қарашларини кенгайтди.

Бироқ янги аср бошларига келиб постмодерн жамият тенденциялари таъсирида шахс ижтимоий моҳиятида ташвишли трансформацион жараёнлар содир бўла бошлади. Буни, энг аввало, унинг ҳаётий мақсадлари трансформациясида кўриш мумкин. XX асрнинг 70-йилларида шахс ҳаётий мақсадлари таркибида жамиятнинг маънавий-мафкуравий муддаоларига хизмат қилиш, касбий муваффақиятга эришиш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш каби мақсадлар устуворлик қилган бўлса, янги аср ибтидосига келиб, унинг асосий мақсади ўзи ва оиласининг моддий таъминотини яхшилаш, соғлиғини сақлаш билан боғлиқ бўлиб қолди.

Шахс тафаккурининг фрагментар характер касб қилиши натижасида унинг билим, малака ва кўникмалари саёзлашди, эътиқоди заиф ва беқарор характер касб этди, турли воқеа ва жараёнларга муносабати муваққат тус олди. Замоनावий тенденциялар таъсирида шахс модерн жамият қадриятларидан юз ўгирди, унинг қадриятлари тизимида моддийлик примати кўзга ташлана бошлади. Модерн жамиятда шахс моддий ва маънавий эҳтиёжлари ўрта-сида пропорционаллик мавжуд бўлган бўлса, постмодерн жамиятда бу мутаносиблик бузилди. Шахсда ўз моддий эҳтиёжларини нооқилона қондириш кайфияти юзага келди. Постмодерн жамият шароитида шахс ижтимоий роллари деформацияси содир бўлди, унинг мустақил шахс сифатида шаклланишига ҳам путур етди. Ушбу трансформацион жараёнлар, бир томондан, шахс фазилатлари таркибига жиддий таъсир кўрсатди, иккинчи томондан эса, қатор ижтимоий иллатларнинг тарқалишига сабаб бўлди.

Иккинчи боб интиҳосида қуйидаги хулосалар қилинган:

1. XX асрнинг 70-йилларидаги ижтимоий-иқтисодий, индустриал-технологик ижтимоий-маданий ўзгаришлар постмодерн жамиятнинг қарор топиши билан интиҳо топди.

2. XXI асрда постмодерн жамиятнинг асосий тенденциялари қуйидагилардан иборат бўлмоқда: а) иқтисодий тенденциялар б) сиёсий тенденциялар; в) ижтимоий тенденциялар; г) маънавий-маданий тенденциялар.

3. Постмодерн жамиятнинг замонавий тенденциялари шахс ижтимоий моҳияти трансформациясига сабаб бўлди. Унинг асосий жиҳатлари шахс ҳаётий мақсадлари трансформацияси, тафаккурининг фрагментарлашуви, қадрият ва эҳтиёжлари тизимининг деформацияси, ижтимоий роллари характери-

нинг янгича тус олиши, шахс ҳаётининг принципларининг ўзгариши билан боғлиқ.

Диссертациянинг учинчи боби **“Постмодерн жамият тенденцияларининг шахс маънавий қиёфасига салбий таъсирини камайтириш йўллари”** деб номланган бўлиб, унда ижтимоий фанлар ва маънавий тарбиянинг инсон шахсини такомиллаштириш борасидаги имкониятларидан фойдаланиш йўллари ҳақида мулоҳаза юритилади.

Постмодерн жамият тенденцияларининг инсон шахси, унинг дунёқарashi, маънавий қиёфасига салбий таъсирини камайтиришда бирор билим соҳаси ижтимоий фанларчалик жиддий аҳамият касб этмайди. Ижтимоий фанлар – кишилиқ жамияти тараққиёти, унинг турли соҳаларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш, бу жабҳаларга доир билимларни шакллантириш, сақлаш ва трансляция қилиш билан шуғулланувчи илмий фаолият шаклидир. Ҳар қандай жамиятда у қатор функцияларни (назарий билиш, тасвирлаш, танқид қилиш, воқелиқни ўзгартириш, башорат қилиш, ахборот бериш, дунёқарашни шакллантириш) бажаради. Қайсики жамиятда ижтимоий фанларнинг тўлақонли шаклланиши ва ривожланиши учун замин яратилса, ўша жамиятда, биринчидан, ижтимоий воқелиқни илм-фан позициясидан ўрганиш, иккинчидан, жамиятдаги жараёнларнинг моҳиятини ўз вақтида ва тўғри уқиб олиш, учинчидан, ижтимоий жараёнлардаги салбий тенденцияларни аниқлаш, тўртинчидан, турли ижтимоий муаммолар сабаб ва оқибатларини ўрганиш, бешинчидан, жамият келажагига доир илмий башоратларни яратиш, олтинчидан, жамият аъзолари дунёқарашини ижтимоий манфаатларга мос равишда шакллантириб бориш имкони пайдо бўлади. Энг муҳими, ижтимоий фанлар инсон шахсини такомиллаштириш, яъни унинг ҳаётининг мақсадларини шакллантириш, билим, малака ва кўникмаларини ривожлантириш, эътиқодини қарор топтириш, хулқ-атвори ва фаолиятини жамият манфаатларига йўналтиришнинг муҳим омили бўлиб келган ва келажакда ҳам шундай бўлади.

Постмодерн жамият тенденцияларининг инсон шахсига салбий таъсири тобора кучайиб бораётган бугунги кунда ижтимоий фанларнинг маърифий имкониятларидан фойдаланиш масаласи айниқса долзарблашмоқда. Шу боис жаҳоннинг ижтимоий тараққиётга юз тутган мамлакатларида ижтимоий фанларга бўлган эътибор йил сайин юксалмоқда, унинг имкониятлари, бир томондан, жамият олдида турган муаммоларни тадқиқ қилишга, иккинчи томондан, инсонни шахс сифатида шакллантиришга сафарбар этилмоқда.

Ўзбекистонда XX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий фанларни ўқитишнинг яхлит ва самарали тизими шаклланди. Мустақиллик йилларида эса ижтимоий фанларни мафкуравий тазйиқ ва цензурадан холи равишда ўқитиш, таълимни демократик тамойиллар асосида ташкил этиш имконияти юзга келди. Янги имкониятларнинг рўёбга чиқарилиши самараси ўлароқ кейинги чорак аср давомида ижтимоий фанлар: а) жамият ҳақидаги билимларни мафкура ва цензурадан холи равишда, илмий позициядан етказиш тажрибасини амалиётга жорий этди; б) жамиятда кечаётган жараёнларнинг моҳия-

тини, содир бўлиши мантиғини, қонуниятларини илмий категориялар, ғоя, гипотеза, назария ва таълимотлар ёрдамида тасвирлаб беришда, фуқароларнинг бугунги кундаги ижтимоий муносабатлар ва жараёнларга доир яхлит қарашларини шакллантиришда етакчилик қилди; в) Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг том мақсадлари, устувор йўналишлари, омиллари ва воситаларини фуқароларга тушунтириб беришда, уларни ижтимоий мақсадлар сари сафарбар этишда жонбозлик кўрсатди; г) фуқароларни воқеликни инсон эҳтиёж ва манфаатларига мос тарзда ўзгартириш, уни рационал тамойил ва услублар асосида бошқариш имконини берадиган замонавий таълимотлар билан таништирди; д) мамлакат фуқаролари дунёқарашини шакллантириш, уни гуманистик ғоялар асосида ўзгартириш, жамоатчилик фикрини қарор топтириш, ёшлар дунёқарашини ғайриинсоний ғоялардан ҳимоялашда ҳал қилувчи омил вазифасини ўтади.

